

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси**

**Профессор Қораев Суюн Қораевич**  
*(таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан)*

**ТОШКЕНТ – 2015**

## **СУЮН ҚОРАЕВИЧ ҚОРАЕВ** **(1925)**

Филология фанлари номзоди (1969), география фанлари доктори (1998), Қирғизистон миллий университетининг фахрий профессори Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси (1962), таниқли топонимист, географ ва тилшунос олим, кенг камровли адиб ҳамда журналист, моҳир таржимон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармаси Геоинформатика ва кадастр миллий марказининг Топонимика лабораторияси мудири Суюн Қораевич Қораев 1930 йилда Жиззах вилояти Зомин туманидаги Тамтум қишлоғида маърифатли оилада туғилган.

Суюн Қораевнинг отаси Мулла Қора Сарибой ўғли теварак - атрофдаги ўзбек - қирғиз қишлоқларида ўз даврининг анча саводли кишларидан бўлган. 30-йилларда у кишининг (қишлоқдан 2-3 чақирим юқорида тоғ даралари туташган жойдаги) хонадони узун киш тунлари китобхонлик кечаларига айланиб кетар эди.

Мулла Қора ака жинчиروқнинг ним ёруғида ихлосмандларга ҳар хил дostonлар, ғазаллар, Қул Хўжа Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларидан, «Қиссаи Рабғузий»нинг кейинги асрларда ҳозирги ўзбек тилига табдил қилинган «Қисса сул - анбиё» асаридан пайғамбарлар ҳаётига доир лавҳаларни баланд овоз билан ўқиб берар эди.

Суюн Қораев отасидан араб ёзувини ўрганиб, эски китобларни ўқий бошлаган. 1943 - 1944 йилларда 4 – халифа Ҳазрати Алининг қаҳрамонликлари, фарзандлари ҳаётига бағишланган «Бобо Равшан», «Зайнул Араб» қиссаларини, Машрабнинг ғазалларини араб алифбосидан кирил ёзувига ўгирган.

Қишлоқда саводлироқ киши бўлмаганидан 1943 - 1947 йилларда С. Қораев 13 - мактабнинг филиалида мудир ва бошланғич синфларнинг ўқитувчиси бўлиб ишлайди.

Ёш бўла туриб муаллимлик қилгани, пичан, ғалла ўримида, ўтоқда фаол катнашгани учун С. Қораев «1941 - 1945 йиллардаги уруш даврида шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган.

С. Қораев 1947 - 1952 йилларда Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)да ўқиб, география факультетини битиргач, «Ўқувпеддавнашр» (ҳозирги «Ўқитувчи») нашриётида муҳаррир, редакция мудири, Ўзбек Энциклопедияси Бош редакциясида География, геология ва геофизика редакцияси мудири (1965 - 1983), Ўзбекистон Республикаси ФА Тилшунослик институтида катга илмий ходим (1984 - 1997) бўлиб ишлади, 1998 йиддан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармаси (Ўзгеодезкадастр)нинг Геоинформатика ва кадастр миллий марказида лаборатория мудири лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Нашриётда ва энциклопедия редакциясида машаққатли меҳнатда ўтган

30 йилдан ортиқ давр С. Қораев учун муҳаррирлик, таржимонлик, публицистика, илмий ва адабий услуб борасида улкан назарий ва амалий мактаб бўлди.

Кенг қамровли олим ва публицист С. Қораевнинг илмий ва ижодий фаолияти бир неча йўналишга эга:

**I. География ва географик терминология.** Қораевнинг географияга оид дастлабки илмий - оммабоп мақолалари студентлик даврида 1951 - 1952 йилларда «Фан ҳақида суҳбатлар» варақаларида эълон қилинган» («Антарктида» «П. П. Семенов - Тян - Шанский» ва б.); «Дарслиқлардаги географик терминлар ва географик номлар» деган биринчи илмий мақоласи «Совет макгаби» журналида босилиб чиққан (1953, №5, 73 - 76 б.); дастлабки биринчи такризи Москванинг «География в школе» журналида 1954 йилда «Экономическая география Узбекской ССР» номи билан эълон қилинган (№4, 93- 94 б.).

Шундан сўнг журналлар, тўпламларда, конгресс ва илмий конференцияларнинг тезислари материалларида Ўзбек энциклопедияси саҳифаларида география, географик номлар ва географик терминологияга оид кўплаб мақолалари босилиб чиқади. Кейинги ярим асрда ўзбек географик терминологиясининг таркиб топиши ва ривожланиши С. Қораев номи билан боғлиқ. У кўплаб халқ географик терминларини таърифлаб, тасвирлаб ёзди (авға, асбоб, бароз, бўм, газа, гуркировук, депсан, кам (камчик), сангзор, санглоқ, темирқовук, томчи, туямўйин, чем, чинг (чинк), қайроқ ва ҳ.к.з.); бир қанча терминларни илмий муомалага киритди (даҳа, етимтоғ, кент, мавзе, танги, тарма, кўрикхона ва б.).

С. Қораев географик номларнинг ёзилиш қоидалари ва транскрипцияси бўйича йирик мутахассис. Унинг географик асарлари ва мақолаларида Ўзбекистан ва хорижий мамлакатлардаги жой номларининг ёзилиш қонуниятлари ишлаб чиқилган. «СССРдаги географик номларнинг русча - ўзбекча луғати» (1989 йилда чиққан 2 - нашри 822 б.) ҳамдўстлик мамлакатлари жой номлари транскрипцияси бўйича ҳамон энг ишончли манбадир. Ўзгеодезкадастр системаси хизматида фойдаланиш учун кам нусхада босилган «Ўзбекистон Республикаси географик номларининг ўзбек тилида ёзилиши асосий қоидалари»да Ватанимиз жой номларини кўшиб ва ажратиб, дефис ва қўштирноқ билан ёзиш, топонимларда халқ географик терминларининг ўрни, географик номлар таркибида келадиган сонларнинг ёзилиши принциплари ишлаб чиқилган.

Ҳозир С. Қораев Ўзгеодезкадастр системасида Ўзбекистон географик номларини, хусусан мукаммап топографик карталардаги сон - саноксиз ер - сув номларини русчадан ўзбекчага ўтказиш, уларнинг ягона миллий ва маҳаллий шаклларини аниқлаш, стандартлаштириш - қатъийлаштириш устида ишлаётир. Эндиликда Республикамиз географик номлари рус тили орқали эмас, балки ўзбекона кўринишда жаҳонга чиқади. Бунда С. Қораев алифбомизнинг тор миллий қобиғига ўралиб қолмаслик, транслитерация йўлидан эмас, балки бошқа миллат вакиллари учун ҳам мақбул бўлган транскрипция йўлидан бориш кераклигини яхши билади.

Республикамиз мустақил бўлгач, хорижий мамлакатларнинг географик номларини бевосита чет тилдан транскрипция қилишга киришилди. С. Қораев ана шундай инструкциялардан биринчиси ўлароқ Қирғизистон Республикаси жой номларининг ўзбекчада ёзилиши йўриқномасини ишлаб чиқди (2001).

**II. Топонимика.** С. Қораев топонимикадан 1969 йилда номзодлик, 1998 йилда докторлик диссертацияларини ёқлади. Унинг асарлари топонимиканинг умумий масалаларига ва топонимлар этимологиясига, шунингдек тарихий топонимияга, ойконимияга, этнонимияга бағишланган. С. Қораевнинг топонимик мақолалари Ҳамдўстлик мамлакатлари шаҳарларида (Москва, Волгоград, Бишкек, Боку, Душанбе, Улан-Удэ), шунингдек узоқ хорижда (София, Хельсинки, Анқара) ҳам чоп этилган. Энг йирик топонимик асарлари: «Топонимия Ўзбекистана» (1989), топонимик луғатлар («Географик номлар маъноси биласизми?», 1970; Географик номлар маъноси, 1980), «Тошкент топонимлари». С. Қораевнинг топонимик асарларига ўзбек олимларидан ташқари йирик хорижий топонимист олимлар ҳам юксак баҳо берганлар (Э. М. Мурзаев. Изв.РАН, серия географическая, 1993, 5, с. 119 - 121; Г. И. Донидзе. Сборник научных трудов ЦНИИГАИК, вып. 236, Географические названия на карте. М., 1985, с 110 - 112; С. Атаниязов. О топонимическом словаре Узбекистана (рецензия на книгу «Географик номлар маъносини биласизми?» Ташк., 1970. - «Известия АН Туркменской ССР», «Серия общественных наук», №3, 1971, с. 92 - 93).

Маълумки, топонимика география, лингвистика ва тарих фанлари туташган жойда вужудга келган. С. Қораевнинг 2 та топонимик луғатида ва бошқа асарларида келтирилган этимологик ва тарихий - географик изланишлар икки мингдан ортиқ топонимнинг келиб чиқиши ва номланиш сирларини очиб берган.

Топонимларни ҳосил қилган сўз - терминлар жой номларининг калитлари ҳисобланади. С. Қораев республикада биринчи бўлиб жой номларини вужудга келтирадиган компонентларнинг рўйхатини тузиб чиқди ва «Ўзбекистон топонимларини ҳосил қилган географик терминлар ва бошқа сўзлар луғати» картография системасида хизматда фойдаланиш учун кам нухада босилди. С. Қораевнинг умумий ҳажми 160,0 босма варақдан ортиқ 200 га яқин географик ва топонимик ишлари катта илмий ҳамда маданий - маърифий аҳамиятга эга.

С. Қораевнинг докторлик диссертацияси Республикамизда топонимика фанининг ривожланишида сезиларли воқеа бўлди ва диссертантнинг илмий камрови кенглигини кўрсатди.

1998 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг махсус илмий кенгаши Суюн Қораевичнинг 45 йиллик самарали илмий хизматларини инобатга олиб, унга диссертация ёзмасдан илмий доклад шаклидаги ҳимояси учун география фанлари доктори илмий даражасини беришни лозим топди.

С. Қораевнинг докторлик диссертациясига республикамиздаги илмий муассасалардан, таниқли топонимистлардан ташқари Озарбойжон,

Туркменистон, Қирғизистон каби хорижий мамлакатлардан ҳам тақризлар келди. Олимлар ҳаммаси диссертацияга юксак баҳо берганлар.

Масалан, Озарбойжон Республикаси Фанлар академияси академиги Будаг Алиевич Будагов ўз тақризида жумладан шундай деб ёзган: «Диссертация кўп йиллик тадқиқот самараси ўлароқ, улкан фундаментал топонимик илмий меросдир ва шунинг учун ҳам Суюн Қораевич Қораев география фанлари доктори илмий даражасига аллақачон сазовор бўлган деб ҳисоблаймиз».

Мана Туркменистан Фанлар академияси аъзоси профессор Султоншо Отаниёзовнинг тақризи: «Диссертация иши муаллифнинг қарийб ярим асрлик тадқиқотлари самараси бўлиб, фактик материалларга ўта бой; назарий фикрлар ва амалий тақлифлар эса бутун Ўрта Осиё топонимика фани учун катта аҳамиятга эгадир. Мазкур ишнинг муаллифи Суюн Қораев собиқ Иттифоқнинг географ ва филолог топонимистлари орасида ўзининг кўп сонли илмий асарлари ва билағонлиги билан маълуму машҳур олимдир. Туркман топонимист олимлари ЎЗМУ ихтисослашган Илмий кенгашининг Суюн Қораевга география фанлари доктори илмий даражаси бериш учун қўл кўтарган аъзолари билан ҳамфикрдир».

Қарши Давлат университети профессори, таниқли топонимист олим Тўра Нафасов ўз тақризида жумладан шундай деб ёзган: «Суюн Қораев - Ўзбекистон топонимияси бўйича етук мутахассис, қарийб 50 йил давомида илмнинг шу соҳаси бўйича шуғулланиб келаётган тадқиқотчи, фидойи олим, география, Топонимика илмининг зукко тадқиқотчисидир, унинг топонимик луғатлари, рисолалари, чоп этилган мақолалари халқ мулкига айлангани сир эмас.

Ушбу тадқиқот учун С. Қораевга география фанлари доктори илмий даражаси берилса, номшунослик илми, жумладан география, тарих, ўлкашунослик, филология каби фанлар кагга ютуққа эришган бўларди».

Диссертантнинг илмий ишларига юксак баҳо берган бундай фикрлардан яна бир қанчасини келтириш мумкин.

С. Қораев йирик топонимист олим ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Топонимика комиссияси аъзоси (60-йилларда), Ўзбекистон Маданият фонди қошидаги Топонимика комиссияси раиси (1989 - 1992) ва Тошкент шаҳар топонимия комиссияси раисининг ўринбосари (1993 йилдан) сифатида аҳолининг топонимик маданиятини кўтариш ва географик объектларни номлаш принципларини амалга жорий қилиш соҳасида жиддий ишлар қилди.

**III. Лингвистика.** С. Қораев таниқли тилшунос олим ва нутқ маданияти жонкуяри. Равон фикр юритиш, тўғри гапириш, бехато ёзиш саънатини чуқур эгаллаган зиёлигина чинакам олимдир. С. Қораев муҳаррирлик, таржимачилик, луғатчилик соҳаларида катта тажрибага эга бўлганидан услубиятнинг нозик жиҳатларини яхши илғайдиган тилшуносдир.

С. Қораевнинг сўзларни, терминларни ўз ўрнида ишлатиш, таржима санъати, нутқ маданиятида миллийлик ва илмийликка оид ўнлаб мақолалари илмий тўпламларда, газета - журналлар саҳифаларида, алоҳида рисола

колида чоп этилган: «Лекторнинг тили ва нутқ маданияти» («Билим»-нашриёти.1988, 24 б.), «Ўзбек адабий тапаффузи луғатига тақриз» («Советская тюркология» журнали 1985, №5, 92-94 бетлар), «Забонсиз жаҳонга чиқиб бўлмас» («Ўзбекистон овози» газ., 1995, 13 июль), «Луғати бойнинг - тили бой» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газ., 1995, 21 июль), «Тил, атама ва луғат муаммолари», («Ватан» газ., 1998, 12 июль), «Ўйнаб ёзсанг ҳам ўйлаб ёз» («Халқ сўзи» газ., 1994, 12 октябрь).

Олим этимология соҳасида ҳам қалам тебратиб келади. Топонимик луғатларидан ташқари (1970, 1980), бахши, бодия, бўғоз, дизайн, жумур, жўва, касана, кент, конверсия, куран, менежер, мирохур, посира, спонсор, том, турбат, хафақон, чақар, чопбоғ, экстрасенс, кўрикхона, ғалча каби юзлаб сўзларнинг келиб чиқиши ҳақидаги мақолалари турли манбаларда эълон қилинган.

С. Қораевнинг луғатчилик ва таржимачилик соҳасидаги тажрибалари олимга русча-ўзбекча луғатни тузишда қатнашишга имкон берган (қ. Русча-ўзбекча луғат, Тошк., 1983, У-Т ҳарфлар).

С. Қораев тилшуносликка, ономастикага оид 30 дан ортиқ халқаро, бутуниттифок, регионал ва республика конгресс, конференция ва кенгашларида қатнашган ва доклад қилган.

С. Қораевнинг лотин ёзувига ўтиш масаласинини биринчи бўлиб совет давридаёқ кўтариб чиққанини қайд қилиш керак («Ўқитувчилар газетаси»нинг 1990 йил 29 сент сонидagi «Алифбомиз кўп бўлган, аммо...» мақоласига қаранг).

**IV. Экология.** Олим табиатнинг ифлосланиши ва қаш-шоқланиши ҳақида қалам тебратиб, «Халқ боғи нажот кутади» («Жиззах ҳақиқати» газ., 1989, 12 июль). «Халқ боғи номига муносибми?» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989, 9 июнь), «Ҳалол ва тоза сув ичайлик» («Шарқ тонги» газ., 1990, 20 март), «Каклик ови» («Халқ сўзи», 1993, 24 авг) каби мақолаларида Зомин халқ боғида 300 га яқин тоғ булоқларининг қуриб қолганлигига, сой сувларига канализация ахлатларининг ташланаётганлигига, бундан 50-60 йил олдин арча тўнкапар оқизиладиган ҳайқирган Зоминсувнинг энди жилдирабгина қолган сойга айланганлигига ачинади, тоғларда арча, кийикўт, анзур каби қимматбаҳо ўсимликларга, беназир санитарлар ҳисобланмиш бургут, қарчиғай, итолғи, туйғун сингари гўзал йиртқич қушларга, тоғ эчкиси - кийик, тоғ куркаси - улорларга, тоғлар кўрки - сайроқи какликларга, айиқ, силовсин янглиғ бетакрор даррандалар- га қирон солинаётганига қайғуради ва кишиларни экологияни авайлаб асрашга чақиради.

С. Қораев ер ости сувларини келажак авлоднинг насибаси дейди ва бу оби ҳаётни исроф қилмасдан сақлашга ундайди («Набиралар ҳақи» мақоласи: «Фан ва турмуш», 1990 №4).

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари А. Жалолов: «Мен институт директори бўлганимда шу мақола учун муаллифни бир йил илмий ишдан озод қилиб қўйган бўлардим», - деган.

**I.Таржимачилик.** С. Қораев ярим асрлик ноширлик - илмий ходимлик фаолиятида кўплаб ижтимоий-сиёсий китобларни, дарсликларни русчадан

Ўзбек тилига ўгирган, у бадиий таржима билан ҳам шуғулланган –Ч. Айтматовнинг «Кассандра тамғаси» романи, «Чингизхоннинг оқ булут» қиссаси Қораев таржимасида «Охир замон нишонлари» номи билан дунё юзини кўрди (2001 йил). С. Қораев Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» (хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари) асарининг қирғизча таржимасини тугаллади.

С. Қораев жамоат ишларида фаол қатнашади. У Тошкент шаҳар ҳокимияти Топонимия комиссияси раиси ўринбосари (1993 йилдан), Ўзбекистондаги Қирғиз маданияти марказининг асосчиси ва биринчи раиси (1992 - 1996); қозир шу марказ Оқсоқоллар кенгаши раиси ҳамдир.

1998 - 1999 ўқув йилида Зомин туманидаги С. Қораев ўқиган 13 - мактабда С. Қораев номидаги стипендия таъсис этилган. Ҳар йили катта синфлардан бирини аъло баҳолар ва аъло хулқ билан битирган бир ўқувчи Суюн Қораев номидаги стипендияга сазовор бўлади.

## 1951

1. Антарктида : [Фан ҳақида суҳбатлар: 27-нчи суҳбат]. – Тошкент : “Қизил Ўзбекистон” ва “Правда Востока” бирлашган нашриёти – 1952. – 3 б.
2. Антарктидани биринчи марта очган рус денгизчиси // Қизил Ўзбекистон. – 1951. – 24 апр.
3. М. П. Лазарев // Ленин учқуни. – 1951. – 22 апр.

## 1952

4. Машхур рус географи // Қизил Ўзбекистон. – 1952. – 15 янв.
5. П. П. Семенов-Тян-Шанский : [Фан ҳақида суҳбатлар: 4-нчи суҳбат]. – Тошкент : “Қизил Ўзбекистон” ва “Правда Востока” бирлашган нашриёти, 1952. – 4 б.
6. П. П. Семенов-Тян-Шанский // Ўқитувчилар. – 1952. – 12 янв.

## 1953

7. Атоқли рус географи // Қизил Ўзбекистон. – 1953. – 10 авг.
8. География дарсликларидаги термин ва географик номлар тўғрисида // Совет мактаби. – 1953. – №5. – Б. 73–76.

## 1954

9. Географик терминлар ҳақида : [тақриз «Географик терминлар луғати» китоби. – Тошкент, 1953] // Қизил Ўзбекистон. – 1954. – 2 март.
10. «Экономическая география Узбекской ССР» // «География в школе», (Москва). – 1954. – №4. – С. 93–94.
11. 1952 ва 1953 йилларда география, тарих ва педагогикадан ўзбек тилида босилиб чиққан методик қўлланмалар // Совет мактаби. – 1954. – №1. – Б. 62–64.

## 1956

12. Антарктида атрофидаги воқеалар // Тошкент ҳақиқати. – 1956. – 15 сент.
13. Бир таржима ҳақида // Тошкент ҳақиқати. – 1956. – 15 сент.
14. Бўстонлик райони : [Янги районнинг иқтисодий географик ҳолати] // Совет Ўзбекистони маданияти. – 1956. – 15 февр.
15. Политехник таълим масалаларига доир адабиётлар // Совет мактаби. – 1956. – №3. – Б. 62–63.



## 1957

16. Атмосфера. – Тошкент : Бирлашган нашриёт, 1957. – 36 б.

## 1958

17. Бекобод шамоли // Ленин учқуни. – 1958. – 10 июль.

## 1960

18. Фойдали кўлланма : (рец. М. Қориев ва А. Ҳисомовнинг «Географик экскурсиялар» китоби ҳақида. – Тошкент : Ўқув-педавнашр, 1959) // Совет мактаби. – 1960. – №2. – Б. 70–71.

## 1963

19. Жийраннинг муҳофаази : эртақ : [2-синф учун ўқиш китоби]. – Тошкент : Ўқувпедавнашр, 1963.

## 1964

20. Жумбоқ жумлалар // Ленин байроғи. – 1964. – 24 нояб.

21. СССРдаги географик номлар луғати. – Тошкент : Ўздавнашр, 1964. – 251 б.

22. Термиз ўлкашунослик музейига бир назар // Ленин байроғи. – 1964. – 27 нояб.

## 1966

23. К выходу топонимического словаря : (рец. В. А. Никонов, Краткий топонимический словарь. – Москва, 1967) // Общественные науки в Узбекистане. – 1967. – №8. – С. 65–67.

24. «Кўл», «тўкэй» сўзларидан тузилган географик номлар : [Этимологик этюдлар] // Совет мактаби. – 1966. – №10. – Б. 48–50.

25. К этимологии топонимов «Сибирь» и «Шибер» // Общественные науки в Узбекистане. – 1966. – №7 – С. 72–75.

26. Номлар баҳси // Фан ва турмуш. – 1966. – №10. – Б.19.

27. О немецком атласе «Kleiner weltatlas» // Ученые записки ГПИ им. Низами. – 1966. – №59. – С. 93–96.

28. Ўзбек Совет энциклопедияси сўзлиги: (геология–география фанларига оид) / С. Қораев; [бош муҳаррир И. Мўминов]. – Тошкент : Фан, 1967. – 404 б.

29. Қарши номи қаердан олинган? // Ўқитувчилар. – 1966. – 23 янв.

## 1968

30. Навоий ва топонимика // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1968. – №3. –Б. 85–86.

## 1969

31. Опыт изучения топонимии Узбекистана // АКД, АН УзССР, ИЯЛ. – 1969. – 25 с.

## 1970

32. Айрим сўзлар ҳақида : [Этимологик этюдлар] // Меҳнат ва турмуш. – 1971. – №12. – Б. 19.

33. «Банд», «мил», «балиқ», «бодия» : [Этимологик этюдлар] // Меҳнат ва турмуш. – 1971. – №1. – Б. 17.

34. «Бахши», «беватан», «куран», «мирохур», «оғо», «посира - пасра», «турбат», «қари», «қопқа» сўзлари : [Этимологик этюдлар] // Меҳнат ва турмуш. – 1971. – №3. – Б. 11.

35. Географик номлар маъноси. – Тошкент : Ўзбекистон, 1970. – 190 б.

36. Географические термины в зоне контактирования узбекского, киргизского и таджикского населения // Вопросы географии, сб. №81. (Москва), 1970. – С. 187–192.

37. «Дехқон», «Чорбоғ», «Кониғил», «Митан» : [Этимологик этюдлар] // Меҳнат ва турмуш. – 1970. – №6. – Б. 25.

38. Ибрагимов С. Хизмати катта : [Проф. А. П. Дульзон таваллудининг 70 йиллигига] // Ўқитувчилар. – 1970. – 12 февр.

39. Роль Н. Г. Маллицкого в изучении топонимии Средней Азии // Известия Узбекского географического общества, т. XIII. – 1971. – С. 240–246.

40. «Сўз мулкига саёҳат» рубрикаси остида : Жувоз қоғоз, Маҳмуд ўтоғаси, Кулонтёпа ва бошқа топонимлар : [Этимологик этюдлар] // Меҳнат турмуш. – 1970. – №2. – Б. 22.

41. «Тим», «тоқ», «чорсу» : [Этимологик этюдлар] // Меҳнат ва турмуш. – 1971. – №10. – Б. 18–19.

42. Топонимика. – Тошкент : ЎзКП МК нашриёти, 1970. – 28 б.

## 1972

43. Айрим сўзлар ҳақида : [Этимологик этюдлар] // Меҳнат ва турмуш. – 1972. – №6. – Б. 24.

44. Андижон бўйлаб саёҳат : [Область топонимлари ҳақида] // Коммунист. – 1972. – 22; 25; 28 нояб.

45. Андижон области : [Топонимлар] // Меҳнат ва турмуш. – 1972. – №10. – Б. 20–21.

46. Бухоро области : [Топонимлар] // Меҳнат ва турмуш. – 1972. – №11.

– Б. 16–17.

47. География этнопонимов Узбекистана // Тезисы XI-го международного конгресса по ономастике. – София, 1972.

48. Древнетюркские топонимы Средней Азии // Тезисы XI-го международного конгресса по ономастике. – София, 1972.

49. Топонимический словарь Туркменистана // «Советская тюркология» (Баку), 1972. – №4. – С. 132–133.

50. Тошкент топонимлари : Тошкент, Шопайизкулок, Бўржар, Дархонариқ, Арпапоя, Эскижўва, Чақар, Соғбон // Меҳнат ва турмуш. – 1972. – №9. – Б. 23.

## 1973

51. Географик номлар маъноси // Сирдарё ҳақиқати. – 1973. – 25 дек.

52. Наманган области : [Топонимлар] // Меҳнат ва турмуш. – 1973. – №1. – Б. 28–29.

53. Самарканд бўйлаб саёҳат : [Область топонимлари] // Ленин йўли. – 1973. – 24 апр.

54. Самарканд области : [Топонимлар] // Меҳнат ва турмуш. – 1973. – №2. – Б. 20–21.

55. Сирдарё области : [Топонимлар] // Меҳнат ва турмуш. – 1973. – №3. – Б. 19.

56. Сурхондарё области : [Топонимлар] / [Нафасов билан бирга] // Меҳнат ва турмуш. – 1973. – №4. – Б. 20.

57. Фарғона области : [топонимлари Н. Охунов билан бирга] // Меҳнат ва турмуш. – 1973. – №5. – Б. 17.

58. Хоразм области : [Топонимлар] // Меҳнат ва турмуш. – 1973. – №7. – Б. 17.

59. Қорақалпоғистон АССР : [Топонимлар] // Меҳнат ва турмуш. – 1973. – №9. – Б. 12–13.

## 1974

60. Айрим ўзбек уруғлари номлари // Меҳнат ва турмуш. – 1974. – №6. – Б. 19.

61. География этнопонимов Узбекистана // Материалы XI-го международного конгресса по ономастике. Т. I. София, 1974. – С. 459–464.

62. Йилкичилик терминлари // Меҳнат ва турмуш. – 1974. – №3. – Б. 24.

63. Уруғ номларининг маъноси // Жиззах ҳақиқати. – 1974. – 2 май.

64. Ўрта Осиёдаги баъзи жой номлари // Фан ва турмуш. – 1974. – №6. – Б. 19.

65. Ҳайвонларнинг қадимий номлари // Меҳнат ва турмуш. – 1974. – №2. – Б. 28.

## 1975

66. Нутқ маданияти ҳақида // Меҳнат ва турмуш. – 1975. – №8. – Б. 20–21.  
67. Отадан қолган тирноқ : [Ч. Айтматовнинг «Солдатенок» ҳикояси таржимаси] // Меҳнат ва турмуш. – 1975. – №8. – Б. 22–23; 26.

## 1976

68. Иблис учбурчаги : [Бермуда учбурчаги ҳақида] // Фан ва турмуш. – 1976. – №7. – Б. 23.

## 1977

69. Ўрта Осиёнинг қадимий ўлчов бирликлари // Совет Тожикистони. – 1977. – 5 март.  
70. Форларнинг сири // Жиззах ҳақиқати. – 1976. – 3 май.

## 1978

71. Бекаат сўзининг маъноси // Тошкент оқшоми. – 1978. – 1 июль.  
72. Географик номлар маъноси : [Топонимик луғат]. – Тошкент : Ўзбекистон, 1978. – 203 б.  
73. Топонимы, антропонимы и этнонимы кишлака Тамтум // Ономастика Средней Азии, (Москва). – 1978. – С. 211–218.  
74. «Худуд ал-а'лам» и древнетюркские топонимы Чирчик – Ахангаранской долины // Общественные науки в Узбекистане. – 1978. – №4. – Б. 46–49.

## 1979

75. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати / С. Қораев, П. Гулямов, Р. Раҳимбеков. – Тошкент : Ўқитувчи, 1979. – 156 б.  
76. О показателях множественности в топонимах Узбекистана // Советская тюркология, (Баку). – 1979. – №5. – С. 26–29.  
77. Этнонимика. – Тошкент : Узбекистан, 1979. – 24 б.

## 1980

78. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент : «Ўқитувчи», 1980. – 156 б.  
79. Геологические материалы на страницах Узбекской Советской энциклопедии // Узбекский геологический журнал. – 1980. – №3. – С. 94–95.  
80. Древнейшие гидронимы Средней Азии // Тезисы докладов и

сообщений III Всесоюзной тюркологической конференции. – Ташкент, 1980. – С. 80–81.

81. Древние топонимы Средней Азии в согдийских документах с горы Муг // Ономастика Средней Азии. 2. Фрунзе: Илим, 1980. – С. 141–149.

82. Обзор работ по топонимике Узбекистана / С. И. Зинин // Сб. География в Узбекской ССР. – Ташкент, 1980. – С. 179–191.

83. Ривожланган социализм энциклопедияси // Совет мактаби. – 1980. – №3. – Б. 61–62.

84. Топонимика - географик номлар ҳақидаги фан. – Тошкент : «Фан», 1980. – 32 б.

85. Янги Афон ғори // Тошкент оқшоми. – 1980. – 10 апр.

## 1981

86. Географические названия и термины в УзСЭ // Свод знаний. – 1981. – С. 34–44;

87. Иранско - тюркские топонимические параллели Средней Азии // Материалы докладов II научной конференции, посвященной изучению топонимии АзССР, (Баку). – 1981. – С. 15–17.

## 1982

88. Қимматли тадқиқот : [рец. С. Атаниязов Туркменистанын географик атларынын душундиришли созлуги. – Ашгабад, 1980. – 363 б.] // Шарқ юлдузи. – 1982. – №2. – Б. 188–189.

## 1983

89. Номи кўл-у асли бир : [Тошкент номи ҳақида] // Фан ва турмуш. – 1983. – №9. – Б. 10–11.

90. Тошкент кўчаларида хотин-қизлар номлари // Саодат. – 1983. – №8. – Б. 14–15.

91. Тошкент маҳаллалари // Гулистон. – 1983. – №8. – Б. 12.

92. Халқ заковати меваси : [Чимён топоними ҳақида] // Совет Ўзбекистони. – 1983. – 20 июль.

## 1984

93. Древние и современные топонимы Узбекистана // Топонимика в региональных географических исследованиях, (Москва). – 1984. – С.71–72.

94. Русча - ўзбекча луғат : т. II. – Тошкент, 1984. – Б. 549–576; 610–659.

95. Транскрипция и этимология на страницах Узбекской Советской Энциклопедии // Топонимика в региональных географических исследованиях, (Москва). – 1984. – С. 75–73.

### 1985

96. Древнетюркские топонимы Средней Азии // Советская тюркология, (Баку). – 1985. – №6. – С. 23–25.

97. Лектор тили ва нутқ маданияти. – Тошкент : Билим жамияти, 1985. – 19 б.

98. Топонимика Узбекистана (состояние, проблемы) // Материалы конференции по ономастике Узбекистана, (Джизак). – 1985. – С. 3–5.

99. Топонимы Ташкента // Звезда Востока. – 1985. – №10. – С. 155–159.

100. Топономическая лексика и изучение. Актуальные проблемы учебной лексикографий обучения лексике : тезисы докладов // Республиканская научно - методической конференции. – Ташкент : ТашГУ, 1985. – С. 35–36.

101. Ўзбек адабий талаффузи луғати // Советская тюркология. – 1985. – №6. – С. 92–94.

### 1986

102. Географические термины, общие для Средней Азии, Казахстана и Алтая : тезисы докл. // XXIX сессии постоянной Алтаи-стической конференции. II. Лингвистика. – Москва, 1986. – С. 65–67.

103. Древнетюркские гидронимы Средней Азии и Северного Прикаспия // Исследования по башкирской диалектологии и ономастике, (Уфа). – 1986. – С. 119–125.

104. Махаллий географик терминлар (Местные географические термины) // Терминология узбекского языка и перспективы ее изучения. Материалы I республиканской терминологической конференции. – Ташкент : Фан, 1986. – С. 28–29.

105. Ўзбек географик терминологиясининг манбалари // Терминология узбекского языка и перспективы ее изучения. Материалы I республиканской терминологической конференции. – Ташкент : Фан, 1986. – 94б.

106. Ўзбекистоннинг топонимик афсона ва ривоятлари (турк тилида) // III Международный конгресс по тюркскому фольклору. Программа и резюме. I. (Анкара). – 1986. – С. 57–58.

### 1987

107. Древнетюркские названия Средней Азии // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана XV-XIX вв. – Ташкент : Фан, 1987. – С. 101–130.

108. Жой номи - тарих ёдгорликлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1987. – 19 июнь.
109. Манас отанинг оқ қори, кўк музи : [Перевод с киргизского на узбекский язык историко - биографического очерка Ч.Айтматова] // Ёш ленинчи. – 1987. – 3–5; 8 сент.
110. Перенос названий // Ономастика Узбекистана : Материалы конференции. – Ташкент : Ўқитувчи, 1987. – С. 10–11.
111. Топономика Узбекистана (состояние и проблемы) // Ономастика Узбекистана : материалы конференции. – Ташкент : Ўқитувчи, 1987. – С. 3–6.
112. Функции аффикса-чи в топонимах // Ономастика Узбекистана : Материалы конференции. – Ташкент : Ўқитувчи, 1987. – С. 22.

### 1988

113. Баъзи сўзлар - иборалар - таржимаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1988. – 24 июнь.
114. Географические названия нуждаются в защите // Сельская правда. – 1988. – 21 окт.
115. Жимжилоқ // Гулхан. – 1988. – №3. – Б. 3.
116. Жимжилоқ [Ч. Айтматовнинг шу номли ҳикоясининг киргиз тилидан ўзбек тилига тарж.] : Дўстлик гулдастаси // Юлдузча. – 1988. – Б. 224–225.
117. Жумур, хафакон, касана, бўғоз, кўриқхона, ғалча сўзлари ҳақида : [Этимологик этюдалар] // Ёшлик. – 1988. – №10. – Б. 60; 73.
